**ДАРСНИНГ БОРИШИ**
**ДАРСНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ**
**РУҲИЙ ТАЁРГАРЛИК.**
**ЎҚУВЧИЛАРНИ УЧ ГУРУҲГА БЎЛАМИЗ ВА ГУРУҲ БОШЧИЛАРИНИ САЙЛАЙМИЗ.**
**БИРИНЧИ ГУРУҲ-КЎМАКЧИЛАР ГУРУҲИ.**
**ИККИНЧИ ГУРУҲ-БОҒЛОВЧИЛАР ГУРУҲИ.**
**УЧИНЧИ ГУРУҲ-ЮКЛАМАЛАР ГУРУҲИ.**
**ҲУРМАТЛИ ЎҚУВЧИЛАР БУГУНГИ МУСОБАҚА ДАРСИМИЗНИ МИЛЛАТИМИЗНИНГ ҚАЛБИ БЎЛГАН ОНА ТИЛИМИЗГА БАҒШЛАЙМИЗ.**
**СИЗЛАРГА ОМАД ЁР БЎЛСИН ДЕБ, ДАРСМИЗНИ БОШЛАЙМИЗ.**

# Тил миллатнинг қалби



Ч.Айтматов

 

**Минг йилларким, булбул камоли**
**Ўзгармайди, яхлит ҳамиша.**
**Аммо шўрлик тўтининг ҳоли**
**Ўзгаларга тақлид ҳамиша.**
**Она тилим, сен борсан, шаксиз.**
**Булбул куйин торга соламан.**
**Сен йўқолган кунинг шубҳасиз,**
**Мен ҳам тўти бўлиб қоламан.**

**Абдулла Орипов.**

# Эсда сақлаб қол!

Қонга кирган сут билан,
Ўзбек тилим, ўз тилим
Ардоқлайман юрт билан,
Ўзбек тилим, ўз тилим.

# Уй вазифасини сўраш

- Ўхшашини топинг.
- Ким чаққон?
- Кимнинг гапи чиройли?







Тилимиз ўн саккиз минг оламдан бойроқ бўлган шундай бир хазинаки, бир дур-у гавҳари (сўзлари) осмон ёритгичларидан ҳам порлоқ, ҳар бир гули чаман лолазоридан гўзалроқ.

**Алишер Навоий.**



# Савол биздан, жавоб сиздан.

1. Боғловчи деб нимага айтилади?
2. Соф кўмакчиларга қандай кўмакчилар киради?
3. Олмош деб нимага айтилади?
4. Ёрдамчи сўз туркумларига нималар киради?
5. Равиш деб нимага айтилади?
6. Аммо, лекин, бироқ қайси боғловчиларга киради?
7. Вазифасига кўра боғловчилар қандай боғловчиларга бўлинади?
8. Қуйидаги гапда гапнинг қайси бўлаклари уюшиб келган? Аввал ўйла ва кейин сўзла.
9. Тенг боғловчиларга қандай боғловчилар киради?
10. Олим ва Карим мактабдан эрта қайтишди. Гапнинг қайси бўлаги уюшиб келган?
11. Тенг боғловчилар қандай турларга бўлинади?
12. Якка ҳолда келган боғлочиларга мисол айтинг.

# Тасниф қилинг!

**Ва, ёҳуд, аммо, дам …дам, билан, бирок, гоҳ…гоҳ, ҳамда, лекин, балки, ё…ё, баъзан …баъзан, ҳам…ҳам.**

1. **Бириктирув боғловчилар:**
2. **Айрув боғловчилар:**
3. **Зидлов боғловчилар:**

# Жавоби:

**Бириктирув боғловчилар**

**Ва, ҳамда, билан, ҳам…ҳам.**

**Зидлов боғловчилар**

**аммо, бироқ, лекин, балки.**

**Айрув боғловчилар**

**ёҳуд, дам …дам, гоҳ…гоҳ, ё…ё, баъзан …баъзан.**

# Шартли белгилар тилга кирганда

1. _______ ва ______ _ _ _ _ ________.

2. _______ _____ , лекин______ ______.

3. _______ гоҳ, _____ , гоҳ _____ .

# Мактубдан сатрлар

## Қозоғистон – 2050 стратегияси



**«Ўз тилин мукаммал билган инсонгина ҳақиқий ватанпарвар бўла олади»**

**Боғловчиларни таҳлил қилинг.**

# Мактубдан сатрлар

**1 – гуруҳ**

**1.** Бизнинг бош мақсад – 2050 йилга бориб, кучли давлат, ривожланган иқтисодиёт ва оммавий меҳнат имкониятларига асосланган осойишта жамият қуришдан иборат.

2. Болаларимиз ва невараларимиз мусофир юртдан кўра Ватанимизда ҳаёт кечириш яхшилигини билишлари керак.

**2 – гуруҳ**

1. Биз аёлга – Онага, рафиқа билан қизларга чексиз эҳтиромимизни қайтаришимиз керак.

2. Бизнинг жамиятимизда "ортиқ" ёки "бегона", "бизники" ёки "бизники эмас" деган иборалар бўлмаслиги керак.

**3 – гуруҳ**

1. Оналикни ва болаликни ҳимоя қилишни янги босқичдаги, ижтимоий сиёсатнинг энг муҳим таркибий қисми деб эълон қиламан.

2. Ҳозир биз болаларимиз-нинг қозоқ тили билан бир қаторда рус ва инглиз тилларини ҳам фаол ўзлаштиришлари учун шароитлар яратиб бериш чораларини кўраяпмиз.

 

Ҳар тилни билув эмди бани одама жондур,
Тил воситаи робитаи олами ёндур.

Аваз Ўтар.



**Ўзга тилнинг барин**
**бил,**
**Ўз тилингни ҳурматла.**

**Қодир Мирзалиев.**



# Давом эттиринг!

Одобли, тарбияли ва аълочи ўқувчини ҳамма ҳурмат қилади.

1. Биринчи ўқувчи гапни ёзади.
2. Иккинчи ўқувчи гапнинг мазмунини айтади.
3. Учинчи ўқувчи боғловчини таҳлил қилади.
4. Тўртинчи ўқувчи сўз туркумларини таҳлил қилади.
5. Бешинчи ўқувчи гап бўлакларини таҳлил қилади.
6. Олтинчи ўқувчи гапнинг чизмасини чизади.

# Дам олиш дақиқаси







Сизга аъло кайфият тилаймиз.

**ВИДЕОЛАВҲА.**

# Янги мавзу:

# Тенг боғловчиларда тиниш белгиларининг ишлатилиши



# Ўқитувчи бўлгим келади.

## 1 - гуруҳ

1. Дўст ҳам, душман ҳам бошингга кулфат тушганда билинади.
2. Қуёш чарақлаб чиқди-ю, олам бирдан ёришиб кетди.
3. Инсон учун энг улуғ туйғу, энг олий хислат Ватан туйғусидир.

# 2 – гурух

1.Ҳақиқат эгилади, ..... синмайди.

2. Одамнинг тилга кириши учун икки йил керак, ...... тилни тийиш учун олтмиш йил керак.

3.Тилнинг бесуяклиги тўғри. ....... инсоннинг ҳаёт тажрибаси орта борган сайин тилга ҳам суяк ато этилади.

4.Севинч унитилади-ю, қайғу унутилмайди.

# Жавоби

Ҳақиқат эгилади, лекин синмайди.

1. Одамнинг тилга кириши учун икки йил керак, аммо тилни тийиш учун олтмиш йил керак.
2. Тилнинг бесуюклиги тўғри. Лекин инсоннинг ҳаёт тажрибаси орта борган сайин тилга ҳам суяк ато этилади.
3. Севинч унитилади-ю, қайғу унутилмайди.

# 3 – гурух

1. Боғдан баъзан булбулнинг, баъзан каккунинг ёқимли овози эшитиларди.
2. Дам ойим эртак айтарди, дам опам айтарди.
3. Гоҳ дарсларимни тайёрлайман, гоҳ қизиқарли китоблар ўқийман.

# Янги мавзуни мустахкамлаш.
# Китоб бизнинг дўстимиз!



1.187-машқ

2.Видеолавҳа асосида матн тузинг.

3.Хотирангни сина.(шеъpни эслаб ёзиш).

Дарсни якунлаш.

Ўқувчиларни баҳолаш.

Уйга вазифа

Бадиий китобдан тенг боғловчиларга гап ёзиш.



# Эътиборингиз учун раҳмат